

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.27.06.2017. Fi1.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТОШХУЖАЕВА ШОИРАХОН ҒАНИЕВНА**

**ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона - 2017**

УДК: 801.6:81'37'44:821.512.133(092)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation  
Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

**Тошхужаева Шоирахон Ганиевна**

Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси . . . . . 3

**Тошхужаева Шоирахон Ганиевна**

Лингвопоэтика произведений Эркин Аъзама . . . . . 23

**Toshhujaeva Shoirahon Ganievna**

Linguopoetics of Erkin Azam's works. . . . . 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 47

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.27.06.2017. Fi1.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТОШХУЖАЕВА ШОИРАХОН ҒАНИЕВНА**

**ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона - 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil4 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович</b> филология фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович</b> филология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz))

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28)

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Й.Солижонов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

**М.Т.Зокиров**

Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

**Ш.М.Искандарова**

Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бадиий асар тили ва у билан боғлиқ тил сатҳи бирликларининг поэтик вазифаларини тавсифлаш устувор бўлмоқда. Ҳар бир сатҳ бирлигининг муайян адиб ижодидаги поэтик хусусиятларини аниқлаш, лисоний ҳодисаларнинг нутқий воқеланиш шаклларини асослаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида маънавий қадриятларимизнинг тикланиши, миллий тилимизга давлат тили мақоми берилиши тилимизнинг воқеланиш хусусиятлари ва қўлланиш доирасини кенг қамровли бўлишига олиб келди. Ўзбек тилшунослигида социолингвистика, психолингвистика, компьютер лингвистикаси, лингвокультурология, прагматингвистика, когнитив тилшунослик каби соҳалар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, филология илмида лингвопоэтика соҳасининг юзага келиши мазкур йўналишдаги янги термин ва тушунчалар доираси кенгайиб боришини тақозо этади. «Бугунги кунда мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш»<sup>1</sup>га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада ўзбек адиблари асарларини ижтимоий-фалсафий, бадиий, лингвистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик тадқиқ этиш, янги методологик тамойил ва замонавий мезонлар асосида очиқ бериш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тилнинг нутқ, жамият, маданият, миллий тафаккур, ҳатто сунъий интеллект билан узвий муносабатини текшираётган янги йўналишларнинг шаклланиши фан олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Тил ва нутқ ҳодисаларининг онгли ва изчил фарқланиши асосида лисоний имкониятларнинг бадиий воқеланишини тадқиқ этувчи фан соҳаси сифатида назарий ва амалий лингвопоэтикани фарқлаш эҳтиёжи кучаймоқда. Бу эса лингвопоэтика қонуниятларини ишлаб чиқиш, муайян ижодкор асарларида умумий лингвопоэтик асосларнинг бадиий матнда индивидуал воқеланиш ҳолатлари ва омилларини ижодкор – тил – бадиият муштараклиги тамойили асосида тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сон қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада

---

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курашимиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 17.

ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ- 2909-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бадиий асар тилининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тадқиқотлар жаҳон тилшунослигида узоқ тарихга эга. Дунё тилшунослигида бадиий асар тили ҳақидаги илк қарашлар қадимги юнон файласуфи Аристотель номи билан боғлиқ<sup>2</sup>.

Риторика, стилистика, бадиий асар тили каби фан соҳаларининг тарихий тараққиёти лингвопоэтикани шакллантирди. Бу масалалар бўйича ғарб тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, дастлаб Г.Э.Лессинг, С.Сапорта, М.Бирвиш, Р.Якобсон, Б.Ларин, Ю.М.Лотман, Й.Иве, Л.Шитцер, кейинроқ Б.Томашевский, В.М.Жирмунский, В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.А.Потебня, М.М.Бахтин, А.В.Чичерин, Э.Косериу, О.С.Ахманова, В.Я.Задорнова, А.А.Липгарт кабилар тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаларининг уйғунлиги ҳақидаги фикрни илгари сурадилар. Айни пайтда, уларнинг асарларида бадиий матн тадқиқи жараёнида тил ҳодисалари таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади.

XX асрнинг ўрталаридан ўзбек филологиясида ҳам лингвопоэтик тадқиқотларда ёзувчи тили ва услуби, бадиий асар тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошланди<sup>3</sup>. И.Султон, А.Ғуломов, Х.Дониёров, С.Мирзаев, Л.Абдуллаева, Э.Қиличев, С.Каримов, Б.Умуркулов, Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, И.Мирзаев, Г.Рихсиева, М.Юлдашев,

---

<sup>2</sup> Гаспаров М.Л. Античная риторика как система / в сб.: Античная поэтика: Риторическая теория и литературная практика. – М., 1991. – С. 27-59.

<sup>3</sup>Маҳмудов Н. Ойбек насрида ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1985. – 6. – Б.48-50; Шу муаллиф.Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1987. – №4. – Б. 34-38; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент., 1993; Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Имомова Г.М. Типик миллий характер яратишда бадиий нутқнинг ўрни: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60 – 80-йиллар): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Нурматов А. Бадиий асарда полифонизм: Филол. фанлари номзодлик дисс... автореф. – Тошкент, 1996; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2002; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р.У. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

Г.Мухаммаджонова, М.Ёқуббекова, Д.Шадиева, Г.Жуманазарова, Д.Анданиёзова сингари ўзбек тилшуносларининг ишларида мазкур масала тадқиқ этилган.

Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикasinинг айрим қирраларига бир қатор филологлар томонидан тўхталиб ўтилган бўлса-да,<sup>4</sup> шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида ёзувчи Эркин Аъзам асарларининг лингвопоэтикasi монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот режаси ҳамда Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ФА-Ф8-034 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2007-2011 йй.) лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лингвопоэтиканинг назарий ва амалий масалаларини ёритиш, унинг тадрижий такомилени асослаш орқали Эркин Аъзам асарларида умумий лингвопоэтик қонуниятларнинг хусусий воқеланиш омилларини белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лингвопоэтика соҳасининг янги фанлар тизимидаги ўрнини белгилаш;

филология тарихида лингвистик поэтика йўналишининг пайдо бўлиши ва унинг тадрижий тараққиётини аниқлаш;

адиб асарлари мисолида лингвопоэтик таҳлил турларини белгилаш;

ёзувчи асарларининг лисоний-эстетик қимматини кўрсатиб бериш;

адиб ижоди мисолида фонопоэтик, морфопоэтик, лексопоэтик, синтактик поэтик воситаларнинг лисоний ва бадий-эстетик асосларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ёзувчи Эркин Аъзамнинг турли жанрлардаги бадий асарлари танланган.

**Тадқиқот предмети**ни адиб асарларининг умумий лингвопоэтик қонуниятлари ва ўзбек тили лисоний имкониятларининг воқеланиш хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил, семантик-стилистик, лингвопоэтик ва прагмалингвистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

---

<sup>4</sup>Худойберганова Д. Ёзувчи услуби ва насрий матннинг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006. – №6. – Б. 65; Ашурова Н. Эркин Аъзам услубининг айрим хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – № 5. – Б. 65-67; Холмуродов А. Янги қахрамонлар талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. – №1. – Б. 55-57; Давронова Ш. Эркин Аъзамнинг характер яратиш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. № 4. – Б. 53-55; Қурбонов С. Эркин Аъзам ижодида эврилаётган инсон тасвири // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – № 2. – Б. 67-69; Шу муаллиф. «Шовқин» романида образлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – №4. – Б. 99-104; Тўлаганова С. Янгилаётган қахрамонлар талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – №4. – Б.95-99; Кенжаева П. Эркин Аъзам – мохир ҳикоянавис // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – № 6. – Б. 62-63; Йўлдошев Н., Шофиев О. Эркин Аъзам бадий олами. – Тошкент: Турон замин зиё, 2014. – 304 б.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

адиб асарларининг лингвопоэтик хусусияти сифатида поэтик такрор, индивидуал неологизмлар, ибораларнинг ўзгаришли қўлланиши ҳамда истеъмол доираси чегараланган қатламга оид диалектизм, варваризм, вулгаризмлардан фойдаланиш маҳорати очиб берилган;

адиб ижодида қофия, аллитерация, вазн талабига кўра товуш тушиши ёки ортиши, товушларнинг ўзаро ўрин алмашиши, унлиларнинг чўзиб талаффуз қилиниши каби фонетик воситалар насрий асар поэтик нутқига, шеъриятга хос оҳангдорлик, жозибадорлик сифатларини олиб кирганлиги асосланган;

муаллиф асарларида сўзларнинг маъно оттенкалари, нутқ вазияти билан боғлиқ вариантлари, инвариант структурасидаги мавжуд маънолари каби лексик воситаларнинг бадиий-прагматик (яширин) маъно ва лингвопоэтик моҳият касб этиши исботланган;

кўплик, кичрайтириш, эркалаш аффикслари каби морфологик воситалар ёрдамида эъзоз, ўкинч, ачиниш, илтижо, киноя, кесатиқ, илтимос, ялиниш, суйиш, ардоқлаш, поэтик таъкид, пичинг, камситиш сингари маъно ифодаларининг адиб томонидан яратилганлиги аниқланган;

бадиий такрор, риторик сўроқ гаплар каби синтактик воситалар мисолида адиб асарларининг лисоний-бадиий имкониятлари, эстетик функциялари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси:**

лингвопоэтика соҳасининг тарихий тараққиёти ва ривожланиш босқичлари илмий асосланган;

адиб асарларининг лингвопоэтик тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, бадиий асар тилига оид назарий ва амалий курсларнинг ташкил этилиши, дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ўзбек тилшунослигида лингвопоэтиканинг шаклланиш тарихи, ғарб лингвопоэтикасига хос назарий қарашлар ва унинг ўзбек лингвопоэтикасига таъсири, шарқ лингвопоэтикасига хос хусусиятлар ва миллий лингвопоэтика масалалари, Эркин Аъзам ижодига хос лингвопоэтик хусусиятлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент таҳлил каби усуллар билан асослангани, бадиий матн лингвопоэтикасини изоҳлашда Эркин Аъзамнинг қисса, ҳикоя, роман, публицистик миниатюра, киноқисса ва драматик асарларига таянилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фанлараро интеграция асосида юзага келган лингвопоэтика соҳасининг назарий масалалари, хусусан, Эркин Аъзамнинг поэтик маҳорати, асарларининг лингвопоэтик хусусиятларига

алоқадор муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материаллари ва натижаларидан олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари учун ўзбек услубшунослиги бўйича ўқув дарсликлари тузишда, нутқ маданияти, бадиий матннинг лингвистик таҳлили каби фанларни ўтишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқотда жамланган далиллар маълум бир ижодкор асарларининг лингвопоэтик ўзига хослиги бўйича яратилажак монография, дарслик, ўқув қўлланмалар, шунингдек, лингвопоэтика терминлари луғатини тайёрлаш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам асарларининг лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

янги таҳрирдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилган лексик ва фразеологик бирликларнинг маъноларини изоҳлашда тадқиқот давомида илмий асосланган *босинқи, босинқирамоқ, ботинан, дангал, даъво, чизимча, чойхона/чойхона палов, пакка, патарат, покламоқ, қаймоқлашмоқ, қасава, тараддуд, таррак/тарракдек қотмоқ, тезоб, тус/тус олмоқ, тўлиқмоқ, салт-сувой, саннамоқ, сербар, синиқ, сувлатмоқ, шикаста, яхлит, ёмон, юзкўрди* сингари 60 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларининг семантик изоҳидан фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2016 йил 21 октябрдаги ФТК-0313/704-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида луғавий бирликларнинг маънолари бойиган, изоҳлари мукаммаллашган;

тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўтказётган турли адабий-маърифий тадбирларда, хусусан, замонавий ўзбек насри, ёзувчи услуби ва бадиий асар тили масаласига доир илмий-амалий семинар материаллари тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2016 йил 24 октябрдаги 21-сонли маълумотномаси). Натижада адиб ижоди тадқиқ этилган диссертацияда илгари сурилган хулосалар орқали она тилимизнинг бойлиги ва ундаги лисоний бирликларнинг бадиий эстетик имкониятлари кўрсатиб берилган;

бугунги адабий жараён, унда Эркин Аъзамнинг муносиб ўрни, ёзувчи ижодидаги халқона услуб ва уни таъминлаган лексик-грамматик воситалар хусусидаги хулосалардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2016 йил 16 сентябрь куни эфирга узатилган «Адабий муҳит» кўрсатуви ҳамда «Маънавият – қалб кўзгуси», «Буюкликнинг рамзисан – Ватан» номли радиоэшиттиришлар сценарийсида фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2016 йил 14 октябрдаги 46-47-сонли маълумотномалари). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 6 та ҳамда 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 25 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 140 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лингвопоэтиканинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида риторика, стилистика, бадий асар тили, лингвопоэтика масалаларига доир дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган. Лингвистика ва поэтика соҳасига оид тушунчалар моҳияти, лингвопоэтиканинг ўрганиш объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари белгиланган. Лингвопоэтикага оид тадқиқотлар тарихи ва таҳлил турлари кўрсатилган.

Бадий асар тилига категориал ёндашувнинг шаклланиши, бадий сўзни ижоднинг шакл ва мазмун хоссалари бирлигида ўрганишга ҳаракат бадий асарни эстетик ва фалсафий нуктаи назардан тушуниш учун асос бўлди. Жумладан, Г.Э.Лессинг, Ф.Шиллер, Гумбольдт, А.А.Потебня, В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, В.Я.Задорнова, О.С.Ахманова, Г.О.Винокур, Л.В.Щерба ишлари ўрганилди, муҳим илмий хулосаларидан фойдаланилди. А.Холодович<sup>5</sup>нинг «Адабий тил услубшунослиги», «Поэтикада лисоний усул» асарларида, немис олими Э.Косериу<sup>6</sup>нинг поэтик тилнинг янги изоҳи каби тушунчаларида, француз тилшунослари

---

<sup>5</sup>Холодович А. К вопросу о лингвистическом методе в поэтике // В борьбе за марксизм в литературной науке. – Л.: Прибой, 1930.

<sup>6</sup>Coseriu E. Thesen zum Thema "Sprache und Dichtung" // – In: Beitrage zur Textlinguistik / Hrsg. W.D. Stempel. – Munchen: Fink, 1971.

Д.Делас ва Ж.Фийоллар<sup>7</sup>нинг лингвистика ва поэтика бўйича янги қўлланмаларида, Е.Б.Артеменко<sup>8</sup>нинг лингвофольклористика бўйича олиб борган тадқиқотларида лингвопоэтиканинг филология илмида алоҳида фан сифатида ўрганилиши юзасидан қарашлар баён қилинган. Замонавий рус тилшунослигида лингвопоэтиканинг назарий масалалари тадқиқи билан шуғулланган олимлардан бири А.Липгарт<sup>9</sup> дир.

Лингвопоэтика лингвистиканинг алоҳида янги соҳаси сифатида бадиий асар тилини ўрганувчи йўналишлардан бирidir. Бу йўналиш бўйича амалга оширилган мавжуд тадқиқотлар соҳанинг мундарижасини ўзида ҳали тўлиқ акс эттира олган деб бўлмайди. Соҳани тор тушуниш туфайли лингвопоэтика тушунчаси остида поэтик характердаги асарларнинг тил хусусиятлари ўрганилади деган қараш мавжуд. Аслида поэтика тушунчасининг мундарижаси жуда кенгдир<sup>10</sup>.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан ўзбек филологиясида ҳам лингвопоэтикага оид тадқиқотлар дастлаб мақолалар<sup>11</sup>, кейинроқ номзодлик ва докторлик диссертациялари<sup>12</sup> тарзида амалга оширилди. Бироқ бадиий асар тили доирасида амалга оширилган тадқиқотларнинг аксариятида лингвопоэтика тилшуносликнинг янги соҳаси ёки тилшуносликнинг алоҳида бўлими мазмунидаги мақом тўғри белгиланмаган, бундай илмий қараш ҳозир ҳам кўзга ташланади.

Ҳар бир тил ҳодисаси нутқий вазиятга ўтар экан, инсоннинг тасавури, руҳияти, ҳиссиётлари бу нутқий боғланишга ўзаро алоқадор ҳолда кўчади. XX аср тилшунослигида бадиий асар тили тадқиқига кенг эътибор берилгани боис, риторика ва поэтика тушунчаларини бирлаштирган ҳолда бадиий асардаги воқелик тасвирини ҳар томонлама,

---

<sup>7</sup>Delas D., Filliolet J. Linguistique et poetique. – Paris. Larousse, 1973.

<sup>8</sup> Артеменко Е.Б. Вопросы синтаксического строя русской народной лирической песни. Пособие к спецкурсу по лингвофольклористике для студентов-филологов. – Воронеж: Изд-во Ворон. ун-та, 1976; Синтаксический строй русской народной лирической песни в аспекте ее художественной организации – Воронеж. Изд-во Ворон. ун-та, 1977.

<sup>9</sup>Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – М., 2013. Учебное пособие. Изд. 5-е.Книжный дом “ЛИБРОКОМ”, 2009, 2012.

<sup>10</sup>Аристотель. Поэтика. –Тошкент, 1980. – Б.39.

<sup>11</sup> Шомаксудов А. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти // Шарқ юлдузи, 1954. №3; Шоабдурахмонов Ш. Ойбек романларининг тили ва стили // Шарқ юлдузи, 1955. №10; Шукуров Н. Ғафур Ғулумнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир//Ўзбек тили ва адабиёти, 1959. №4; Дониёров Х., Самадов Қ. Ҳ.Олимжоннинг тилдан фойдаланишдаги новаторлиги//Шарқ юлдузи, 1959. №7; Алиев А.Ю. Абдулла Қодирий «Обид кетмон» кассасининг баъзи тил хусусиятлари//Ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари. – Тошкент,1985; Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. – Тошкент, 1986.

<sup>12</sup> Тўрабекова С. Ғафур Ғулум поэмаларининг тили ва стили ҳақида: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1961; Самадов Қ. Ойбек тил маҳоратининг баъзи масалалари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1967; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс... канд. филол. наук. Ташкент, 1979; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент,1993; Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Имомова Г.М. Типик миллий характер яратишда бадиий нутқнинг ўрни: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60 – 80-йиллар): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Нурматов А. Бадиий асарда полифонизм: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент,1996; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2002; Йўлдошев М. Чўлпон бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз...дисс. автореф. –Тошкент, 2000; Нормуродов Р.У. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 2000.

чукур ва яхлит ҳолда тадқиқ этишни ўзида акс эттирувчи *лингвопоэтика* термини пайдо бўлди. Лингвопоэтика филологиянинг ҳар қандай контекстда тил бирликлари орқали намоён бўладиган эстетик хусусиятларни ўрганувчи алоҳида бўлими сифатида қаралади. Сўз санъати тил, нутқ воситасида воқе бўлади. Нутқнинг қандай воқеланганини, сўз санъатининг лисоний хусусиятларини тилшунослик ўрганади. Демак, лингвопоэтик йўналишдаги тадқиқотлар методи ва методологиясига кўра тилшунослик ва адабиётшунослик соҳалари назариялари стилистика билимлари базасида ўзаро уйғунлашади, натижада ҳар икки фан интеграциясига асосланган лингвопоэтика шаклланади.

Лингвопоэтиканинг предмети ғоявий-бадий мақсадни амалга оширишда керак бўладиган, эстетик таъсирни таъминлашда ёзувчи бадий асарда фойдаланадиган тил воситаларининг мажмуидир. Объекти эса – тил, айни пайтда ана шу тил орқали ифодаланган поэтик мақсад ёки поэтик ҳодиса ва унинг мазмуний структурасидир. Бунда муаллиф услубининг хилма-хиллиги, турли-туманлиги, ўзгачалиги, кутилмаганлиги, таъсирчанлик даражаси айтилмоқчи бўлган фикрларнинг лингвопоэтик структурасини ташкил қилади. Лингвопоэтик структурада муаллифнинг коммуникатив нияти ва мақсади, ҳозиржавоблиги, қаҳрамонлар руҳияти ҳамда характерига хос бўлган жиҳатлар акс этади. Шунинг учун ҳам бадий асарнинг ҳар қандай шакли шоир ёки ёзувчининг поэтик маҳорати асосида лисоний бирликларнинг мазмуний структурасига жойланади. Шу сабабли ҳам лингвопоэтиканинг хомашёси ҳисобланган бадий асар умумий тил қонуниятлари мажмуаси сифатида талқин қилинади. Бундан маълум бўладики, лингвопоэтик тадқиқотларнинг ўрганиш объекти ҳар қандай ҳолатда ҳам тил, ўрганиш предмети адабиётшунослик учун тадқиқ объекти бўлган бадиият масалалари бўлганлиги сабабли лингвопоэтика икки соҳа кесишувидаги учинчи соҳадек туюлса-да, зинҳор «оралик учинчи» эмас, балки тилшуносликнинг алоҳида бўлими эканлигини унутмаслик керак.

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим О.Шарафиддинов «Адабиёт тилдан бошланади» мақоласида шундай ёзади: “Рангсиз тасвир, оҳангсиз мусиқа бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди. Адибнинг ёзувчилик нигоҳи қанчалик ўткир бўлмасин, тафаккур қуввати қанча бақувват бўлмасин, инсон табиатининг сиру асроридан қанча бохабар бўлмасин, қалами ўтмас, услуби тўмтоқ, тили ғализ бўлса, унинг эзгу ниятлари қоғозда қолиб кетади. Ёзувчи ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини, ижтимоий-маънавий муаммолар ҳақидаги ҳукм ва хулосаларини китобхонга тил орқали еткази, ...сўз сеҳри билан китобхонга таъсир кўрсатиб, унинг фикрий дунёси, руҳий оламини ҳаракатга келтиради.»<sup>13</sup> Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ҳар қандай ижодкорнинг асари унинг тили билан узвий боғлиқ. Сўз ва унинг луғавий маъноси асар сюжети ва қаҳрамон характерини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун

---

<sup>13</sup> Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 164.

ҳам ёзувчининг сўз қўллашдаги маҳорати асарнинг бадиийлигини таъминлашда асосий омил саналади. Шу сабабли *лингвопоэтика* термини ифодалаган тушунча моҳиятида бадиий асарнинг тил хусусиятлари ўз ифодасини топади. Лингвопоэтика соҳасининг таҳлил турлари сифатида тадқиқотнинг мундарижаси қуйидагича белгиланди:

Фонетик воситаларнинг поэтик функцияси (фонопоэтика). Мазкур йўналиш моҳияти ёзувчининг бадиий нияти, ғояси ва маҳоратини турли фонетик, фонологик воситалар орқали ифодалашдан иборатдир. Бунда асар бадиийлигини таъминловчи унсурлар сифатида асосан фонетик воситалар олинади. Хусусан, товушлар ранг-баранглигини таъминлаш, поэтик маъно ифодалаш имконияти билан боғлиқ функционал хусусиятлар тадқиқ этилади. Фонопоэтика соҳаси учун бадиий асар жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, шеърий ва насрий тадқиқот объектларига бўлинади. Бунда асосан шеърий жанрлардаги қофия, аллитерация, вазн талабига кўра товуш тушиши, товуш орттирилиши, товушларнинг ўрин алмашиши, ҳижоларнинг узун-қисқалиги, интонация каби ҳодисалар фонопоэтик жиҳатдан таҳлил этилади. Айни пайтда фонопоэтик тадқиқотларда нафақат шеърий жанрлар доирасида, балки насрий асарларда ҳам ўзига хос лингвопоэтик хусусиятлар мавжудлиги асосан берилди, уларнинг ифода имкониятлари бадиий асар материаллари асосида таҳлилга тортилади. Насрий нутққа хос ифода назмий ифода талаффузидан жиддий фарқланади, ёзувчи бадиий асарда қахрамон кайфияти, руҳияти ва шу кабилар тасвирида фонетик бирликлар ифодасидаёқ поэтик маънони унлилар чўзиқлиги, ундошларни қаватлаш, товушлар такрори, товуш вариантларини қўллаш, товушларни алмаштириш каби қатор ҳодисалардан фойдаланади. Албатта, бунда ёзувчининг фонетик бирликлардан фойдаланиш маҳорати бадиий асар тилининг раво ва аниқ бўлиши учун хизмат қилади. Фонопоэтикада энг муҳими фонетик воситалардан усталик билан фойдаланиш фикр изчиллигини таъминлайди ҳамда поэтик маънонинг актуаллашишига ёрдам беради. Ёзувчининг лисоний бирликлардан фойдаланиш маҳорати фонетик поэтикани назарий жиҳатдан фонологик поэтика босқичига кўтарилиши учун хизмат қилади.

Лексик воситаларнинг поэтик функциялари (лексопоэтика). Тадқиқот кўлами кенг ҳисобланган мазкур йўналиш юзасидан ўзбек тилшунослигида маълум даражада изланишлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотда зид маъноли сўзлар, индивидуал неологизмлар, варваризм ва вульгаризмлар, диалектизмларнинг қўлланиш усуллари каби масалалар Эркин Аъзам асарлари тили мисолида лексопоэтик жиҳатдан таҳлил этилади. Сўзларнинг поэтик структураси лексик поэтика йўналишининг марказий масалаларидан ҳисобланади. Лингвопоэтиканинг бу қисми мавжуд назариялар асосида лисоний ва нутқий турларга бўлинади. Шунинг учун ҳам лексик сатҳга хос бу соҳа лексик ва семантик поэтикага ажратилади. Сўзларнинг нозик маъно оттенкалари, нутқ вазияти билан боғлиқ вариантлари, инвариант структурасидаги мавжуд маънолар кўмагида

контекстуал маънолари шаклланади. Улар ёзувчининг маҳорати туфайли нутқнинг образлилигини таъминлайди.

Морфемик воситаларнинг поэтик функциялари (морфопоэтика). Мазкур йўналиш нафақат морфемика, балки морфология ва сўз ясалиши бўйича таҳлилларни ҳам ўз ичига олган соҳа ҳисобланади. Асар матнида ўзига хос тарзда қўлланган ҳар бир қўшимчанинг таҳлили ҳам тарихий, ҳам тавсифий, ҳам қиёсий жиҳатдан олиб борилади, сўз *шакллари*нинг асар бадиий ғоясига мос мазмун ифодалашдаги лингвопоэтик хусусиятлари морфопоэтик воситалар орқали очиб берилади. Зеро, унда морфема ёки сўзшакл бадиий вазифа бажариш нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.

Синтактик воситаларнинг поэтик функциялари (синтактик поэтика). Ушбу йўналишда матн компонентларидан ҳисобланган *гап қурилиши* лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этилади. Бунда лингвопоэтик таҳлил формал, мазмуний, коммуникатив ва матн синтаксиси билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Муаллифнинг ғояси ва мақсадини аниқлашда гаплар ва гап бўлаклари тартиби, шаклий ва мазмуний мутаносиб (эллипсис ва антиэллипсис, парцелляция, парантеза, градация, синтактик параллелизм, риторик сўроқ, эмоционал гаплар ва бошқ.)лик каби экспрессив-синтактик воситаларга эътибор қаратилади. Бунда таҳлил гапнинг формал-грамматик бўлиниши, актуал бўлиниши, мантикий урғу ва пресуппозиция каби ҳодисалар билан боғлиқ бўлади. Умуман, бу йўналиш структурал поэтика тушунчалари билан алоқадор кенг қамровли йўналишлардан бири сифатида бадиий асар тузилишида муҳим стилистик функция бажара олиши билан аҳамиятлидир. Синтактик поэтика стилистика билимлари кўмагида шаклланган алоҳида соҳа сифатида эътироф этилади.

Тадқиқотнинг «**Эркин Аъзам ижодида фонетик воситалар ва луғавий бирликларнинг бадиий-эстетик вазифалари**» деб номланган иккинчи бобида ёзувчи асарларидаги фонетик воситалар, сўзнинг шаклий ва маъновий хусусиятлари, варваризм ва вульгаризмлар, диалектизм ва фразеологизмларнинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил қилинади. Товушлар товланиши Э.Аъзам асарларида маълум бир услубий вазифа бажариб, бадиий асар тилининг ҳиссий-таъсирчанлигини оширишда сезиларли аҳамият касб этади. Масалан, унлини чўзиб талаффуз қилиш орқали қаҳрамоннинг воқеликка турли муносабати: белгини кучайтириш, кучсизлантириш, норозилик, таажжуб-хайрат, эътирозни ифодалаш, дудукланиш, тутулиш ҳолатини кўрсатиш, хурсандчилик, ҳайқирик, хитоб-чақириш каби ҳолатлар юзага келади: - *Ие, ишонмасангиз, ана отам ўтирибди, жўраларим, сўранг.*

*Ка-атта олмзоримиз бор!* («Анойининг жайдари олмаси») Парчада *а* унлисини чўзиб талаффуз қилиш натижасида белгининг меъёрдан ортиқ эканлиги маъноси англашилади. Ушбу тасвир усули асар қаҳрамони Рамазондаги соддалик, дўлвори, болаларча табиатни ифодалашда муҳим ўрин тутди. Одатда болалар нутқида унлиларни чўзиб талаффуз қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу бола нигоҳи билан анланган борлиқ, воқеликнинг айрича ифодасидир. Болалар нутқида унлиларнинг чўзилиши,

белгининг, миқдорнинг ортиқлигини ифодалаш баробарида, фахр, ғурур, мақтаниш маъноларини ҳам англанишига хизмат қилади. «Анойининг жайдари олмаси» асарининг асосий ғояси ҳам ўзликни сақлаш, элнинг ўз рухиятини асраб қолиш. Буни эса болаларча содда, чапани, хотамтой, умуман, жайдари олма сингари кўримсиз, оддий, бироқ моҳиятан тенгсиз Рамазон нутқи орқали ифодалайди.

Эркин Аъзам антоним (зид маъноли) сўзлардан унумли фойдаланган.

Адиб ижодида зид маънолилик ҳодисаси морфологик, лексик, фразеологик ҳамда контекстуал кўринишда воқеланади. Айниқса, адиб асарларида контекстуал антонимлар муҳим лингвопоэтик қиммат касб этади. Бадиий матнда ёзувчи ўзининг бадиий концепциясини илгари суради. Ёзувчи асарларида контекстуал антонимлар ҳаёт зиддиятларини, унинг моҳиятини ифодалашда самарали усул ҳисобланади.

– *Амаки, вергул зўрми нуқтами? – деб сўрайди бўлажак адиб ёзувчидан бош кўтариб. Қанчалик китоб битиб, умр бўйи муҳаррирлик қилган одам боланинг шугина саволидан лол, ўйланиб қолади.*

– *Нуқта зўр бўлса керак-да. Вергулнинг бир гапда бир нечта бўлиши мумкин, нуқта эса – битта!*

– *Лекин вергулнинг думи узун-ку?!*

– *Вергул гап ҳали давом этади дегани. Нуқта қўйилдими, демак – бас, тамом!*

– *Дарров тамом бўлгандан кўра, давом этгани яхши эмасми? («Ёзувчи»).*

Эркин Аъзам бола тилидан берилган оддий савол орқали муҳим ҳаёт фалсафасини илгари суради. Раис сингари айтган сўзини бажарадиган мураккаб табиатли амалдорлар, раҳбарлар – нуқта, уларнинг олдида оғзидан чиққанини бажариб, думини ликиллатган, кучукдек ялтоқланган югурдаклар эса – вергул. Матн ости маъносидан шундай маънолар англашилади: нуқта тоифасидан бўлганлар бир сўзли, кучли шахслар. Уларнинг кучлилиги ўз айби, гуноҳини англаши, тан олишида ҳам кўринади. Бундайлар кўп эмас. Вергул сингари инсонлар эса «бир нечта бўлиши мумкин», «вергулнинг думи узун» – характериға хос, вергул давомли дегани, ундайлар «нуқта»дан кўп. Бадиий матнда ана шу зидлаш орқали ёзувчининг бадиий-концепти акс этади. Бу тасвир усули китобхонга бадиий асарнинг дидактик моҳиятини ойдинлаштиради, муаллиф муносабатини акс эттиради. Шунингдек, асарга ўзига хос дидактик хулоса ясайди.

Адиб поэтик ифоданинг таъсирчанлиги, оҳангдорлиги ҳамда уларни бадиий ва эстетик жиҳатдан ўзгартириб қўллаши натижасида зид маъноли ибораларнинг эмоционал-экспрессив бўёқдорлигини ошира олган ҳамда улар ўртасида маъновий градация(даражаланиш) ҳосил қилган.

*Шу-шу Тилак бу – кўнгли ярим, аммо кўкси баланд болани яхши кўриб қолади. («Турмуш»)*

Оилавий муносабатлар, инсонни англаш масалалари ёритилган «Турмуш» ҳикоясидаги Тилак образи хокисор, ҳамдард инсоннинг ёркин

намунасидир. У эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликни англаса-да, бу ҳақда бир оғиз сўрамасдан, сўзсиз ҳамдард бўлиб, яхшилик қилиб ғойиб бўладики, бу асосий қаҳрамонни ўз ҳаёт йўлини, кечмишларини ўйлаб кўришга ундайди. Ўзи қийинчилик билан ўсган Тилакнинг таъриф-тавсифига ёзувчи *кўнгли ярим* ва *кўкси баланд* ибораларини қўллайди. Кўнги ярим –ўксик маъносини, кўкси баланд эса – мағрур маъносини ифодалайди. Асли *кўкси кўтарилди*<sup>14</sup> ибораси ёзувчи томонидан *кўкси баланд* тарзида ўзгаришли қўлланади. Мазкур иборалар айна маъноларда антонимлик касб этади. Асар қаҳрамони Тилак тақдир синовлари олдида мағлуб бўлмаган иродали шахс образидир. Адиб ана шу икки ибора орқали характерга хос муҳим маълумотни бера олган.

Ижодкорнинг тил бойликларини қайта ишлаш маҳорати ҳақида сўз борганда, адиб томонидан яратилган индивидуал неологизмларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Эркин Аъзам бадиият оламига бир неча янги сўзларни олиб кирди. *Жумладан, жуфтгарчи* («Ёзувчи»), *шўх-шалайим* («Бизнинг тоға»), *эркашотирлар* («Пиёда»), *Олашовур* («Ёзувчи»), *ғарибоҳанг* («Пакананинг ошиқ кўнгли»), *товуқтовон* («Етти тулки»), *чантриморэ, каламакаторэ* («Анойининг жайдари олмаси») каби қатор сўзлар характерлар тасвирида, воқеликлар тизимида алоҳида аҳамиятга молик. Сўз яратиш бобида адиб асосан композиция усулида, яъни сўзларни кўшиб янги сўзлар ясайди. Шунингдек, сўзларни жуфтлаш, кўшимчалар кўшиб янги сўз ясалиши ҳам учрайди. Яна бир характерли томони ноанъанавий тарзда яратилган сўзлар ҳам бадиий асарлардаги машҳур сўз ва иборалар даражасига чиқа олган. Буни биргина *чантриморэ, каламакаторэ* сўзлари мисолида кўришимиз мумкин: *Аҳён-аҳёнда ўткинчилардан бирортасига қараб: «Чантриморэ!» дея ҳайқирар, «Чантриморэ!» десангиз «Каламакаторэ!» деб жавоб қайтарар эди.* («Анойининг жайдари олмаси») Мазкур сўзлар инсоннинг бир-бирига самимий ва жўшқин саломи, тилаги каби маънони англагача-да, айна сўзларнинг семантик маънолари тўлақонли аниқ эмас. Ёзувчи мазкур сўзларга атайин мушкул ҳиссиётнинг тафтини жойлаганки, у на ёзувчининг ўзига, на асардаги персонаж – шу сўзлар ижодкори Шоди гаранга, на китобхонга аён. У фақат қалб билан англанади, уни тавсифлаб бўлмайди.

Эркин Аъзам асарларида варваризмлар қаҳрамон характерига хос жиҳатни ёритиш баробарида кўпроқ юмористик пафос учун хизмат қилган. Ёзувчи чет сўзлардаги товушларни ўзгартириш ёки товуш тушириш йўли билан ҳам қаҳрамон дунёқарашини, воқеликка муносабатини ифодалайди. Баъзан эса ана шу сўзлар замирига ўз бадиий-концептуал қарашларини ҳам сингдира олган. –*Э, карантинламай кетинг! – деди Сафаров аччиқланиб. – Тахта-махта керак бўлса, мундай айлантириб ўтирмай...*

– *Калантир деяпман, мусулмон, тахта эмас!*

---

<sup>14</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, 1978. – Б. 152.

... «Калантир» бизни овул четидаги гирди тош билан ўралган қўрага олиб борди («Қор босган довон»). Юқоридаги парчада ёзувчининг воқеликка, образлар (ўзини ҳар нарсани биладиган ва ҳар нарсага қодир, ҳожатбарор, олийҳиммат шахс ҳисобловчи Сафаров ва оддий чўпон, бир оз қайсарроқ Бўрон чатоқ)га кинояси сезилади. Бўрон чатоқ *карантин* сўзини тўғри айтолмаса-да, қор босган довонда йўл босиш «устудентлар» соғлиги учун зарарли эканлигини англайди ва қайсарлиги билан бу нотўғри ҳаракатга нуқта қўяди. Ҳар нарсага ақли етган Сафаровнинг ақли эса шунга келганда «оқсайди». Ҳикоя охирида баёнчи, персонажлар нутқида хулоса акс этмайди. Бўрон чатоқ чакки ҳаракат қилгандек тасаввур билан яқунланади.

Эркин Аъзам асарларида услубий мақсадда, ўз қаҳрамонлари феъл-атворидаги камчиликлар, маънавий-ахлоқий савиясининг қашшоқлиги, айти бир вақтда руҳий ҳолатини очиб бериш учун лексик воситалар сифатида воқеланадиган вульгаризмлардан моҳирона фойдаланган. Ўзбеклар нутқида салбий муносабатлар «кучли» ёки «кучсиз» даражада ифодаланади. Маълумки, «кучли» шаклда ифодаланувчи сўзларга ҳақорат ва қарғиш вульгаризмлари киради. Бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам қарғиш билан алоқадор сўзлар (яшшамагур) билан бир қаторда кўплаб «қолип» ҳолига тушиб қолган иборалар мавжуд. Масалан: *Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоҳга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи!* («Анойининг жайдари олмаси»). Дўстининг анойи – содда, гўл эканлигидан ор қилган қаҳрамон, доимо Рамазонни тергаб, ўзгалар сингари бўлишга ундайди. Бироқ Рамазон ишонувчан, соддалигининг ортидан муаммоларга ўралашиб юради. Терговга келган жўра эса биринчи сўроқдаёқ Рамазоннинг шаънига *лаънати, номард, чайқовчи* дея ҳақоратли сўзларни ёғдирадидики, бу ҳатто терговчига малол келади. Ушбу вульгаризмлар персонажнинг характерини ёритиш баробарида айти вазиятдаги руҳий ҳолатини ҳам ёрқин ифода этади.

